

КУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Усмонов Ш. Ш.

подполковник, Жамоат хавфсизлиги университети,
“Иқтисодий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ:Мақолада қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар томонидан ушбу қурилмалардан унумли фойдаланиш, истиқболлари ва хориж тажрибаси қиёсланган. Қуёш панелларидан фойдаланишга қизиқишни оширишда мол-мулк солиғи, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғи ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғидан имтиёзлар ҳамда бошқа турдаги давлатимиз молиявий кўмаклари ўрганилган.

Калит сўзлар:яшил иқтисодиёт, қайта тикланувчи энергия манбалари, энергетика, қуёш энергияси, фотоволтаик хужайралар, қуввати, субсидия, йирик лойиҳалар.

АННОТАЦИЯ:В статье сравнивается эффективное использование, перспективы и зарубежный опыт применения этих устройств физическими и юридическими лицами, установившими установки на возобновляемых источниках энергии. При повышении интереса к использованию солнечных панелей были изучены налог на имущество, земельный налог по участкам, занятым устройствами, а также льготы по налогу на прибыль, исчисляемые с прибыли, полученной юридическими лицами за электроэнергию, проданную в общую сеть, а также другие виды финансовой поддержки нашего государства.

Ключевые слова:зеленая экономика, возобновляемые источники энергии, энергетика, солнечная энергия, фотоэлектрические элементы, мощность, субсидия, крупные проекты.

ANNOTATION:The article compares the effective use, prospects and foreign experience of using these devices by individuals and legal entities that have installed installations on renewable energy sources. With increasing interest in the use of solar panels, the property tax, the land tax on the plots occupied by the devices, as well as income tax benefits calculated from the profits received by legal entities for electricity sold to the general grid, as well as other types of financial support of our state were studied.

Keywords: green economy, renewable energy sources, energy, solar energy, photovoltaic cells, capacity, subsidy, large projects.

Яшил иқтисодиётнинг истиқболлари сув, ҳаво ва тупроқ ифлосланишининг олдини олиш, атроф-муҳитнинг муҳофазаси билан бирга ЯИМ ошиш суръатларини таъминлаш, иқлим ўзгариши (иссиқхона эффекти, озон тешиклари, глобал иссиқлик) натижасида юзага келадиган глобал фалокатларни камайтиришга қаратилган иқтисодий муносабатлардан иборат. Яшил иқтисодиётга ўтиш ресурсларни тежайдиган ва тоза ишлаб чиқариш тизимларини жорий эттишга қаратилган бўлиб, бу компанияларга атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан бирга рақобатбардошлигини оширишга имкон беради. Қуёш энергияси - бу қуёш нуридан энергияни тўғридан-тўғри фотоволтаиклар (ПВ) ёрдамида, билвосита концентрантланган қуёш энергиясидан ёки комбинациядан фойдаланган ҳолда электр энергиясига айлантиришдир. Фотоволтаик хужайралар фотоволтаик эффект ёрдамида ёруғликни электр токига айлантиради.[1]¹

Президентимиз томонидан 16.02.2023 йилдаги «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори имзоланди. Хужжатга мувофиқ, 2023 йилда қуйидагилар режалаштирилган:

- умумий қуввати 4 300 МВт бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларини ишга тушириш;

¹ „Energy Sources: Solar“. Department of Energy. 14-aprel 2011-yilda asl nusxadan arxivlandi.

• қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш орқали қўшимча 5 млрд киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш ва 4,8 млрд метр куб табиий газни иқтисод қилиш;

• ушбу мақсадларга жами 15,4 млрд АҚШ доллари йўналтириш.

Шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бино ва иншоотларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш бўйича МЧЖ шаклидаги “Яшил энергия” компанияси ташкил этилмоқда. Компанияга давлат органлари ва ташкилотлари бино-иншоотларининг тегишли қисмларидан ижара ҳуқуқи асосида бепул фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқарувчилардан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ва уларнинг эҳтиёт қисмларини харид қилиш, ўрнатиш ва уларга сервис хизматларини кўрсатиш учун тўғридан-тўғри шартномалар тузишга ҳуқуқи берилди.

2023 йил 1 мартдан тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини сотиб олиш ва ўрнатиш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини молиялаштириш учун “яшил энергия” банк молия продукти амалга киритилди. Умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғи ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил муддатга ҳамда ўрнатилаётган куёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса – ўн йил муддатга озод этилди.

2023 йил 1 апрелдан “Қуёшли хонадон” дастури амалга оширилмоқда ва унинг доирасида жисмоний шахсларга тегишли объектларда ўрнатилган куёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатилган электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига Давлат бюджетидан 1 000 сўмдан субсидия ажратилмоқда ҳамда солиқ органлари томонидан ҳар ойда “Солиқ” мобил иловаси орқали ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 25-санасига қадар фуқароларнинг банк пластик карталарига ўтказиб берилмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг қарийб 85–90 фоизи Ўзбекистоннинг табиий бойлиги ҳисобланмиш кўмир, табиий газ ва бошқа нефт маҳсулотларини ёқиш эвазига ишлаб чиқарилади. Ҳозирча Ўзбекистондаги «яшил энергия» салмоғи атиги 10–14 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси хабарларига кўра 2023 йил 10 ой якунида Ўзбекистон Республикасига 21та давлатдан 427,1 миллион АҚШ долларига жами 3 855 225 дона куёш панеллари импорт қилинган, ундан:

Хитой Халқ Республикасидан - 3 791 363 дона;

Гонконгдан - 15 559 дона;

Бирлашган араб амирлигидан - 15 116 дона;

Туркия Республикасидан - 7 505 дона;

Жанубий Корея Республикасидан - 6 842 дона импорт қилинган.

Бу кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан 20 бараварга ошган. 2022 йил 10 ой давомида жами 185 083 дона куёш панеллари импорт қилинганини божхонамиз маълум қилди.

Бу кўрсаткичларнинг ўсишига албатта давлатимиз томондан кўрсатилаётган ҳам ҳуқуқий, ҳам молиявий қўмакнинг таъсирида амалга ошаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим.

Баъзи Европа мамлакатларида ҳукумат қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш масаласида катта муваффақиятларга эришди. Масалан, Швецияда 2019 йилда Реи мамлакатнинг умумий истеъмолининг ярмидан кўпини ташкил этган бўлса, ўша пайтда Европа Иттифоқи бўйича ўртача улуш тахминан 20% ни ташкил этди — тахминан Германия каби. Бугунги кунда

жаҳонда энергия ресурсларига бўлган талабнинг ошиши, дунё бозорида уларнинг нархининг ошиши оқибатида, барча давлатларда энергия ресурсларини тежаш масаласида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Айрим мамлакатларда қайта тикланадиган энергия ва ёқилғи манбаларини ўзлаштириш соҳасида яратилган иш ўринлари, 2018 й².

	Жаҳон	Хитой	Бразилия	АҚШ	Ҳиндистон	ЕИ 28
минг киши						
Қуёш энергияси	3605,0	2194,0	15,6	225,0	115,0	96,0
Биоёқилғи	2063,0	51,0	832,0	311,0	35,0	208,0
Гидроэлектрэнергия	2054,0	308,0	203,0	66,5	347,0	74,0
Шамол энергияси	1160,0	510,0	34,0	114,0	58,0	314,0
Қуёш ёрдамида иситиш ва совутиш	801,0	670,0	41,0	12,0	20,7	24,0
Қаттиқ биомасса	787,0	186,0	...	79,0	58,0	387,0
Биогаз	334,0	145,0	...	7,0	85,0	67,0
Геотермал энергия	94,0	2,5	---	35,0	---	23,0
Қуёш энергиясини концентрациялаш	34,0	11,0	---	5,0	---	5,0
Жами		4078,0	1125,0	855,0	719,0	1235,0

Австралияда “Яшил энергия”дан фойдаланиш даражаси юқори кўрсаткичларга эришиб, “қуёшли энергия” шаҳарлари шаклланиб, жанубида жойлашган 1,8 миллионлик штатидаги уйларнинг деярли барчасида қуёш панеллари ўрнатилганини ижобий баҳолашимиз мумкин.

Маиший қуёш энергиясининг фойдаланиш сур'атининг ўсишига 2016 йилдаги электр энергия тарифларнинг ошиши, шунингдек, Жанубий Австралияда бўронлар (ураган) натижасидада энергия узилишлари натижасида электр энергиясининг узилиши ҳам ривожланишга ҳисса қўшган. Давлатимиздаги 2022 – 2023 йилдаги аномал совуққа ўхшаш ҳолатини кузатишимиз мумкин.

"2016-йилда қуёш панелларига кизиқиш органини пайқадик ва бу 2017-йилда давом этадими ёки йўқлигини аниқлашга ҳаракат қилдик. Айнан шундай бўлди. “Одамлар, албатта, қуёш энергиясининг афзалликлари, энергияни сотиш ёки электр узилиб қолганда сақлаш учун қандай сақлаш ҳақида билиб олади. Ушбу тенденция ўчиришлар энг кўп зарар кўрган штатларда сезилади. Одамлар қуёш панеллари нархларнинг ошишига яхши жавоб эканлигини ҳам англаб етмоқда", - дейди австралиялик мутахассислар³.

Австралия штатлари орасида қуёш батареяларини ўрнатиш бўйича етакчи ўринни Квинсленд (янги ўрнатилган панелларнинг умумий қуввати – 25 МВт), Жанубий Австралия, Янги Жанубий Уелс ва Виктория штатлари эгаллаб турибди.

Австралия аҳолиси нафақат қуёш энергиясидан фойдаланади ва уни ўз эҳтиёжлари учун сақлайди, балки уни миллий электр тармоғига ҳам сотади.

Хозирги кунда Австралиянинг ҳар 3 уйдан бирида қуёш панелларидан фойдаланилади. Улар 2023 йил октябрь ойи ҳолатига 3,6 миллион уй хўжаликларини ташкил этади. 2030 йилга келиб Австралия яшил энергетика миқдорини 82%га етказишни режалаштирмоқда.

² Renewables 2019. Global Status Report. www.irena.org

³ <https://www.cleanenergy.ru/2017>

Албатта кўшни давлатларимиздаги вазиятни ҳам ўрганишимиз лозим.

Тожикистон Республикасининг стратегик ҳужжатларида энергия хавфсизлигини таъминлаш ва қайта тикланадиган энергиядан самарали фойдаланиш мамлакатнинг кейинги 15 йил учун стратегик мақсадлари қаторига киритилган. Ушбу даврда қуйидаги вазифалар қўйилди: ноанъанавий (қайта тикланадиган) энергия манбаларидан (қуёш, шамол, биологик, геотермал ва янги гидроэлектростанцияларни қуриш...) фойдаланиш учун техник имкониятларни яратишни назарда тутувчи ишлаб чиқариш манбаларини диверсификация қилиш. Тожикистон Республикаси 2018 йилда 2945 млн кВт соат электр энергиясини экспорт қилди ва 559 кВт соат импорт қилди. Электр энергияси экспорти ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Афғонистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон асосий савдо шериклари ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш керакки, Тожикистонга кўшни Афғонистон қишлоқлари Тожикистон томони ёрдамида электрлаштирилган.

Шунинг таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда Тожикистон Республикасида 200 мингдан ортиқ одам электр энергиясидан фойдалана олмайди, чунки рельефга эришиш қийин. Қайта тикланадиган энергия манбалари чекка ҳудудлардаги аҳолига нотекис тоғли ҳудудларда қуёш энергиясидан оптимал фойдаланишга ёрдам беради. Қуёш панелларини ишлаб чиқариш капитални талаб қилганлиги сабабли, ушбу ишни мустақил равишда ҳал қилиш мумкин эмас. Тожикистоннинг Хитой ва Россия билан қўшма ҳамкорлиги юқоридаги панелларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ёрдам беради. Гидроэнергетика билан бир қаторда, қуёш энергияси гибрид автомобиллардан фойдаланиш, зарядловчи қурилмалар ва станцияларни ўрнатиш бўйича яхши истиқболга эга, бу эса кўшни давлатларга нисбатан устунликка эга бўлиши мумкин. Тожикистон Республикасида сўнгги йилларда электр аккумуляторли троллейбуслардан фойдаланиш бошланди ва бу янгилик троллейбусларга маълум вақтларда электр штангасиз юриш, маневрларни яхшилаш, хизмат кўрсатиш йўналишларини узайтириш ва фарқлаш имконини берди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам «яшил энергия» ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иқтисодиётга энергия тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш, ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик объектлари ҳамда аҳоли хонадонларида қуёш панелларини ўрнатиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-300-сон қарорининг 51-мақсадида: «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш орқали:

- қайта тикланувчи энергия манбаларининг жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш;
- 2030 йилга келиб қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мега-ваттга етказиш;
- 3 ГВт қувватли 3 та иссиқлик электр станцияларини модернизация қилиш орқали табиий газ сарфини камайтириш;
- кўп қаватли уй-жойлардаги хонадонларнинг энергия самарадорлиги (енергоаудит)ни баҳолаш тизимини жорий этиш;
- шаҳарларда жамоат транспортини экологик тоза ёқилғига ўтказиш каби вазифалар белгиланди.

Маъмурий-маиший бино ва иншоотларда энергия ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябр кундаги «Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-220-сон фармони билан ҳудудлардаги 34 мингдан ортиқ объектларда, шу жумладан 619 та «Янги Ўзбекистон» массиви ва 28 мингдан зиёд хонадонларда муқобил энергия манбаларини жорий қилиш, вазирлик ва идоралар кесимида 6 мингдан ортиқ объектларда энергия сарфи ҳажмида муқобил энергия манбалари улушини 30 фоизга етказиш режалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиғилишидаги нутқида «Айниқса, бугунги кунда ўта долзарб бўлган «яшил энергия», ичимлик суви, йўл-транспорт инфратузилмаси, экология каби

соҳаларда ҳамкорлигимиз жадал ривожланмоқда. Хусусан, қайта тикланадиган энергия соҳасида банкнинг 600 миллион евро маблағлари иштирокида йирик лойиҳаларни бошладик. Бундай фаол ҳамкорлигимиз иқтисодиётимизга бошқа хорижий инвесторларни жалб этишда ҳам “катализатор” бўлиб хизмат қилмоқда.”⁴деб таъкидлади ва хусусий секторнинг ўрнига алоҳида тўхталиб ўтди.

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларининг қийматини тўлиқ тўлаган ҳолда уларни харид қилган ва ўрнатган истеъмолчиларга харид харажатларининг бир қисми 1-жадвалда кўрсатилган миқдорларда Жамғарма ҳисобидан компенсация қилинади.

1-жадвал

Қуёш ёки шамол электр станциясини ўрнатганлик учун компенсациялар миқдори

Т/р	Ўрнатилган қувват	Компенсация миқдори (базавий ҳисоблаш миқдори)
1.	0,5 кВтдан 1 кВтгача	7 баробар (2 380 000 сўм)
2.	1 кВтдан 1,5 кВтгача	10 баробар (3 400 000 сўм)
3.	1,5 кВтдан 2 кВтгача	15 баробар (5 100 000 сўм)
4.	2 кВт ва ундан юқори	20 баробар (6 800 000 сўм)
5.	5 кВт ва ундан юқори*	50 баробар (17 000 000 сўм)

Эслатма: 2024 йил 1 апрель ҳолатига базавий ҳисоблаш миқдори 340 000 сўмни ташкил этади.

Истеъмолчилар томонидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари тўғридан-тўғри маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар, етказиб бериш, ўрнатиш ва ишга тушириш хизматларини кўрсатувчи корхоналар, маҳаллий чакана савдо объектларидан, шу жумладан, электрон тижорат воситалари орқали сотиб олинганда, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилди ёки якуний чакана нархдан компенсация миқдори чегириб ташланади.

2-жадвал

Қуёш панеллари ўрнатиш учун аҳолига бериладиган кредитлар миқдори ва муддатлари⁵

№	Банк номи	Кредит номи	Кредит муддати	Кредит миқдори	Кредит фоизи
1.	Микрокредитбанк	"Савинг энерджи"	60 ойгача	500 БҲМгача	15%
2.	Халқ банки	«Яшил макон»	60 ойгача	200 БҲМгача	15%
3.	Ипотека-банк	«Яшил макон»	60 ойгача	300 БҲМгача	15%
4.	Бизнесни ривожлантириш банки	«Яшил макон»	60 ойгача	300 БҲМгача	15%

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, эндиликда, қуёш энергетикаси саноатини янада ривожлантириш учун, "яшил" электр энергиясини сақлаш воситалари, хусусан, аккумулятор тизимларининг ишлаб чиқарилишини жадаллаштириш, ҳамда уларнинг истеъмолчиларга арзон нархларда етказиб бериш тизимини мукаммалаштиришимиз лозим.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиғилишидаги нутқи. 17.05.2023 йил.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги «Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

Муайян хизматлар гуруҳининг тармоқ хусусиятларини, шунингдек худуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини, шунингдек аҳолининг, шу жумладан энг ижтимоий заиф гуруҳларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олишга имкон берадиган давлат-хусусий шерикликнинг тармоқ ва минтақавий стратегияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Яна бир бор таъкидлаймизки, ҳозирги вақтда энергия ишлаб чиқариш манбаларини диверсификация қилиш иқтисодиётнинг барқарор ривожланишни таъминлаш нуқтаи назаридан устувор вазифадир. Қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқариш сифатини ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

- хорижий ҳамкорлар билан биргаликда яшил технология ишлаб чиқарувчиларига ёрдам бериш;

- ўрта муддатли даврда транспорт воситаларини электрлаштириш керак, айниқса темир йўл транспорти ва тегишли тармоқлар;

- қуёш энергиясини доимий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, чекловчи тўсиқларни олиб ташлаш, тадбиркорларга қуёш энергиясидан пул ишлашга имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш;

- қайта тикланадиган энергияни узоқ ва яқин хорижий мамлакатларга экспорт қилиш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш;

- қайта тикланадиган энергияни, хусусан, қуёш энергиясини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича имкониятларни кенгайтириш.

Шунингдек:

Биринчидан: Қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш орқали электроэнергияни ишлаб чиқаришга Патент олиш тизимида имтиёз бериш, мисол учун:

- турли хил тўловлардан озод қилиш;

- талаб қилинадиган ҳужжатларни камайтириш;

- кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш;

- илмий тадқиқот ишларига субсидиялар ва илмий грантлар бериш.

Иккинчидан: Импортда энергия воситаларини ўрнини ички ишлаб чиқаришни молиявий қўллаш орқали камайтириш.

Учинчидан: Қуёш фотогальваник технологияларида ишлаб чиқариладиган электроэнергияни ўз вақтида ва жойида қўлланилиши ва қулайлиги сабабли, ҳамда узатилишдаги йўқотишларнинг камлиги сабабли Ўзбекистон Республикасида 270 кун қуёш энергиясидан фойдаланишнинг имкониятларидан унумли фойдаланмоқ лозим.

Тўртинчидан: Фавқулодда ва стихияли ҳолатларда электроэнергияни узатиш тизимини мақбуллаштириш, йўқотиш миқдорини камайтириш чораларини кўриш лозим.

Бешинчидан: Қонунчилигимизда маълумотлар базасини электрон шаклини юритиш орқали жамоатчилик назоратини олиб бориш талаби қўйилган. Электрон базалар очилган бўлсада, ушбу базалар юритилишида жамоатчилик назоратини олиб бориш имкониятлари яратилмаган. Ушбу базалар юритилишини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига доимий назорат олиб бориш учун бириктириш лозим.

Давлатимизда Яшил иқтисодиётга, қайта тикланадиган энергия манбаларини, бир сўз билан айтганда яшил энергетикани ривожлантириш ва иқтисодиётга энергия тежамкор технологияларни кенг жорий қилиш долзарб масала бўлмоқда. Давр талабидан келиб чиқиб ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик объектлари ҳамда аҳоли хонадонларида қуёш панелларини ўрнатиш бўйича кенг қўламли ислохотлар ўтказилмоқда. Бу давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим туртки ҳисобланиб, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишига, аҳолимизни турмуш даражасини яхшилашга, узлуксиз электр энергия билан таъминлашга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Боркова Е.А., Изусова М.Р., Гематдинова К.А. «Зеленые» инвестиции как фактор устойчивого развития экономики стран мира // Креативная экономика. – 2019. – Том 13. – № 12. – С. 2315-2326. doi: 10.18334/ce.13.12.41522.
2. “Energy Sources: Solar”. Department of Energy. 14-aprel 2011-yil.
3. Renewables 2019. Global Status Report. www.irena.org.
4. <https://www.cleanenergo.ru/2017>.
5. Национальная стратегия развития Республики Таджикистан на период до 2030 года. Душанбе, 2016. – 104с.
6. Расулов Г. Государственная политика Таджикистана в производстве и реализации возобновляемой энергии // Журнал Центрально-азиатских и Евразийских исследований. 2021. Т. 1. № 4. С. 53–63.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши йиғилишидаги нутқи. 17.05.2023 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги «Энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш ва кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.